



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 18 июнь, № 123 (9294)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИЦИЯ – ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ РЕСУРС ЭМАС, БАЛКИ ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ТАРАҚҚИЁТ ДЕМАК

Пойтахтимизда «Инвестициявий барқарорлик: янги марралар ва янги шериклик» мавзуидаги V Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишини бошлади.



Ўтган жуда қисқа даврда минтақадаги энг йирик сармоявий платформа даражасига кўтарилган мазкур форум Янги Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳиятини кенг намён этиш, хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли

лойиҳаларни шакллантириш ва илгари суришда муҳим халқаро майдонга айланди. Бунини иштирокчи давлатлар жугрофияси ва қатнашувчилар сони муттасил ортиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Агар 2022 йилда илк бор ўтказилган форумга дунёнинг 56 мамлакатидан 1 мингдан зиёд хорижий меҳмонлар ташриф буюрган бўлса, бу гал жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан 10 мингдан зиёд делегат ва иштирокчилар, жум-

ладан, 4 мингга яқин чет эллик меҳмонлар қатнашмоқда. Улар орасида хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, инвестиция жамғармалари ва ишбилармон доиралар

вакиллари борлиги Тошкент халқаро инвестиция форумининг нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).



ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов, Бирлашган Араб Амирликлари энерге-

тика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация, Хитой Халқ Республикаси Миллий энергетика бошқармаси раҳбари Ван Хунжи бошчилигидаги ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва

молия институтлари делегацияси, Буюк Британиянинг инвестициялар бўйича давлат вазири, лорд Джейсон Стоквуд бошчилигидаги делегация ва Ўзбекистон – Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, “АСWA” компанияси

бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайяни қабул қилди.
(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БЕШИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!
Қадри дўстлар!
Бугун бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида қатнашаётган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, жамғармалар вакиллари ва етакчи ишбилармонларни кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.
Сизларнинг иштирокингиз халқаро миқёсда Янги Ўзбекистон тараққиётига бўлган ишонч тобора ортиб бораётганининг яна бир ифодасидир.
Форум доирасида биргаликдаги ҳаракатларимиз катта марраларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор

бўлмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, шундан 123 миллиард доллар охириги беш йилга тўғри келмоқда.
Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали шерикликка тайёр инвесторлар учун доимо очиқмиз.
Жорий йилги форумда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатидан 4 мингга яқин хорижий меҳмонлар қатнашаётгани ҳам анжуманимиз нуфузи юксалиб бораётганини яққол тасдиқлайди.
Фурсатдан фойдаланиб, тadbиримизда иштирок этаётган Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай

Жаноби Олийларига, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин Жаноби Олийларига, Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчин Жаноби Олийларига, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов Жаноби Олийларига, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов Жаноби Олийларига, Қирғиз Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев Жаноби Олийларига, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ МОДЕЛИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 17 июнь куни рафикаси ҳамроҳлигида расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Замонавий халқаро муносабатлар тизими жадал ўзгариб борапти. Давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги эса тобора ортиб бормоқда. Бундай шароитда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий стратегияси ўзининг очиклиги, изчиллиги ва прагматик хусусияти билан катта натижаларга эришмоқда.
Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат яқин қўшнилар, балки дунёнинг етакчи тараққиёт марказлари билан ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатмоқда. Мана шундай ишончли,

вақт синовидан ўтган ва юқори технологик шериклардан бири Германия Федератив Республикасидир.
Кейинги йилларда Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан бири саналган бу мамлакат билан алоқаларимиз бутунлай янги босқичга кўтарилди.
Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорлик ўзининг ривожланиш тарихига эга. Бу давлат мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва дипломатик алоқаларни йўлга қўйган. Ўтган давр мо-

байнида сиёсий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олувчи мустаҳкам институционал пойдевор шакллантирилди.
Айниқса, кейинги йилларда олий даражадаги мунтазам ва изчил мулоқотлар икки томонлама муносабатларга бутунлай янги суръат бағишлади.
Ўзбекистон ва Германия иқтисодийлари бир-бирини тўлдирувчи, яъни синергетик хусусиятга эга.

(Давоми 3-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БЕШИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, жадал ислохотларимиз йўлида биз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Янги тараққиёт банки, шунингдек, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа инвестиция банки ҳамда хорижий банклар, компания ва ташкилотлар вакилларига самимий ташаккур айтаман.

Янги Ўзбекистонга хуш келибсиз, қадрли дўстлар!

Хурматли форум иштирокчилари! Жаҳон иқтисодиёти ва глобал капитал харитаси кескин ўзгараётган, савдо зиддиятлари авж олаётган ҳозирги шароитда ҳар қандай инвестор тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинаётган, иқтисодиёт жадал суръатлар билан ўсиб бораётган, кенг имкониятлар мавжуд бўлган давлатларга сармоя киритишга интилиши табиий, албатта.

Шу боис биз Янги Ўзбекистонда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш йўлида тизимли чора-тадбирларни олиб боряпмиз. Утган йили ялпи ички маҳсулотимиз 7,7 фоизга ўсди, иқтисодиётга 43 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди. Миллий валютамиз барқарорлиги таъминланиб, халқаро заҳираларимиз ҳажми 70 миллиард доллардан ортиди.

Ўқпачиликнинг ёдида, биз тўрт йил аввал бўлиб ўтган илк форумда 2026 йил якунига келиб, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга етказишни мақсад қилган эдик. Жадал суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз бу йил 180 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро кредит рейтингини йил сайин яхшилашиб бормоқда. Жорий йилда мамлакатимиз нуфузли “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиёти янги суръат ва янги имкониятлар босқичига қўқатганига ёрқин мисолдир.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Бугунги форум мавзуси **“Инвестициявий барқарорлик: янги марралар ва янги шериклик”** деб номлангани ҳам бежиз эмас. Биз олдимизда турган катта мақсадларга фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз орқали эриша оламиз. Ўқп қиррали ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун бир қатор устувор йўналишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш — инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат тизимини янада кучайтириш.

Инвесторлар ҳуқуқларини кучли институтлар, эътироф этилган халқаро механизмлар орқали таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу борада март ойидан Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш бўйича ишларни бошладик. Марказнинг ҳуқуқий асослари Конституциявий қонун билан мустаҳкамланади. Ушбу Марказ иштирокчилари учун жозибадор солиқ тизимини яратилади. Фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи ва божхона божлари ноль фоиз этиб белгиланади. Капиталнинг эркин ҳаракати, исталган валютада ҳисоб-китоб қилиш имконияти сўзсиз кафолатланади. Молиявий технологиялар, рақамли активлар, “яшил” молия учун замонавий тизим яратилади. Марказ ҳудудида норматив ҳужжат-

ларни қабул қилиш ваколатига эга мустақил молиявий регулятор ҳам ташкил этилади.

Дастлабки босқичда бу каби имтиёзларнинг амал қилиш мuddати 50 йил этиб белгиланади. Марказда Англия ҳуқуқига асосланган махсус тартиб-тамоийл жорий этилади, мустақил Тошкент халқаро тижорат суди ташкил қилинади. Унда нуфузли хорижий судьялар ва халқаро экспертлар фаолият юритади. Шу билан бирга, инвестицион медиация тизимини ҳам ривожлантираимиз. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Медиация тўғрисидаги Сингапур конвенциясига қўшилиш ниятидамиз.

Ушбу чоралар натижасида инвесторлар Ўзбекистоннинг ўзида кафолатланган халқаро ҳуқуқий ҳимояга эга бўлади. Барчангизни бундай шарт-шароитлардан, шаклланаётган янги экотизим имкониятларидан унумли фойдаланишга чақирамиз.

Иккинчи йўналиш — капитал бозорини ривожлантириш, мўқобил молия воситаларига кенг йўл очиш.

Ўзбекистон янги авлод молия технологиялари ва сармоя бозорларини жадал ривожлантирмоқда. Утган даврда халқаро бозорларда 16 миллиард доллардан зиёд облигацияларни жойлаштирдик. Шу билан бирга, миллий валютадаги корпоратив евро-облигацияларни ҳам айланмага киритдик. Илк бор 13 та стратегик корхона активига эга Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз акцияларини Тошкент ва Лондон фонд биржасига чиқардик. Эътиборли жиҳати, бу Лондон биржасининг охириги беш йилдаги энг йирик IPOсига айланди. Шу билан бирга, қатор йирик компанияларни ҳам IPOга чиқаришга тайёргарлик кўряпмиз.

Бу каби ислохотларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш учун “Капитал бозори тўғрисида”ги ва “Мўқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинади.

Ўзбекистонда халқаро клиринг компанияларнинг фаолиятига ҳам кенг имкониятлар очамиз. Бундан ташқари, инвестиция оқимини диверсификация қилиш учун суверен ислом облигациялари — сукук дастурини амалга оширишга бошлаймиз.

Булар корхоналаримизга келгусида камиди 10 миллиард доллар қўшимча капитал олиб келиш учун катта туртки беради.

Шунингдек, хусусийлаштириш доирасида шу йил 6 миллиард долларлик қўчмас мулк, корхоналардаги давлат улуши ва ер участкалари аукционга чиқарилади.

Маҳаллий ва хорижий инвесторларни бундай янги имкониятлардан кенг фойдаланишга қўраймиз.

Учинчи йўналиш — юқори қўшилган қиймат занжирларини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш.

Биз саноатнинг барча тармоқларида янги технология босқичга ўтиш ва қўшилган қийматни яратиш бўйича катта дастурларни бошладик. Келгуси беш йилда саноатда юқори технологияли маҳсулотлар ҳажмини 2,5 баробарга кўпайтирамиз. Мисол учун, илгор кимё тармоғини ривожлантириш орқали 20 миллиард долларлик инвестиция салоҳиятини ишга солиш; ҳудудларда 15 минг юқори даромадли иш ўринларини яратиш; 130 турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлигимиз бизга ҳам, сиз, инвесторларга ҳам манфаат келтиришига ишонаман.

Яхши хабардорсиз, Ўзбекистон бой табиий ресурслар — олтин, мис, уран, вольфрам, газ ва бошқа ноёб заҳираларга эга. Стратегик хомашё бўлган ер ости бойликларимизнинг умумий қиймати 3 триллион доллар деб баҳоланмоқда.

Бу соҳадаги имкониятларни хорижий инвесторларга тақдим этиш мақсадида очик рақамли геология маълумотлар базасини яратамиз; аукционга қўйиладиган конларни 4 қарра кўпайтирамиз; “қазиб олишдан тайёр маҳсулотгача” бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун Тошкент ва Самарқанд вилоятларида барпо этилаётган “Келажак металлари” технопаркларига хорижий сармояни кенг жалб қиламиз.

Машинасозлик, робототехника, энгил саноат, қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика каби драйвер тармоқларда ҳам 30 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга оширишни таклиф қиламиз.

Сизларнинг “янги иқтисодиёт” тармоқларидаги ташаббусларингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёриэмиз.

Тўртинчи йўналиш — “яшил” энергетика ва сунъий интеллект соҳаларидаги шерикликни янада кучуқлаштириш.

Хабарингиз бор, “яшил” энергетикага катта эътибор бериб келяпмиз. Яқин йилларда умумий электр генерациясида унинг улушини 54 фоизга етказишни режа қилганмиз.

Инвесторларга қўёш ва шамол электр станциялари билан бир қаторда энергия сақлаш тизимларини ривожлантириш, тармоқларни модернизация қилиш, “яшил” энергия асосида ишлайдиган дата-марказлар барпо этиш таклифини илгари сураамиз.

Сунъий интеллект тармоғини ривожлантириш — давримизнинг муҳим талаби. Хорижий экспертлар Ўзбекистонда келгуси беш йилда ушбу янги йўналишда камиди 10 миллиард долларлик қўшимча қиймат яратилишини прогноз қилипти.

Сунъий интеллектни барча соҳаларга кенг жорий этиш учун энг илгор тажрибалар асосида Миллий стратегияни қабул қилдик. Унинг доирасида “Беш миллион етакчи” дастури бошланди.

Асосий вазифамиз сунъий интеллект орқали аҳолининг барча қатламлари ҳаётини яхшилаш, ундан таълим, давлат хизматлари ва бизнес жараёнларида кенг фойдаланишдан иборат.

Биз Қорақалпоғистонда сунъий интеллект лойиҳалари ва дата-марказлар учун махсус зона яратдик. Бу ҳудудда 2040 йилгача инвесторлар барча турдаги солиқ ва божлардан озод қилинади; йўл, электр, сув инфратузилмаси давлат ҳисобидан қуриб берилади; 1 киловатт-соат электр энергияси учун 5 цент миқдориди имтиёзли тариф белгиланади.

Шу билан бирга, махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган Ўзбекистон халқаро рақамли технологиялар марказини ҳам ташкил этилмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ушбу йўналишлар бўйича жозибадорлиги юқори бўлган лойиҳаларда ҳамкорликка таклиф этамиз.

Бешинчи йўналиш — минтақавий транспорт-логистика боғлиқлигини ривожлантириш.

Маълумки, инвесторлар учун халқаро савдо бозорларига чиқиш катта аҳамиятга эга. Бугунги тадбиримизда кенг минтақавий мамлакат-

ларининг ҳукумат раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йилларда бу давлатлар етакчилари билан биргаликда Марказий Осиёни ўзаро боғлиқ ва бутун жаҳонга очик бўлган катта имкониятлар майдонига айлантиряпмиз. Жумладан, Хитой ва Қирғизистон билан ҳамкорликда стратегик темир йўл қурилишини жадал давом эттиряпмиз. Шу билан бирга, жанубий денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконини берадиган Трансафғон коридори лойиҳаси устида фаол ишляяпмиз. Бундан ташқари, Каспий денгизи орқали ўтадиган “Ўрта коридор” транспорт йўналишини ҳам ривожлантиряпмиз.

Ушбу лойиҳаларни тўлиқ рўёбга чиқариш эвазига Осиё ва Европани боғлайдиган транспорт магистраллари тармоғига қўшиламиз.

Биз транспорт-логистика йўналишида юртимизда қатор мегалойиҳаларни ҳам бошлаганмиз. Масалан, Саудия Арабистонидаги ҳамкорларимиз билан йилга 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатадиган янги Тошкент халқаро аэропортини қураямиз.

Форум доирасида сизларга тақдим этилаётган тезюрар автомобиль йўлларини барпо этиш, кўп функцияли логистика марказлари ва “қуруқ портлар”ни қуриш каби лойиҳаларда фаол иштирок этишингиз барчамиз учун бирдек манфаатли бўлишига ишонамиз.

Олтинчи йўналиш — ҳудудларни ривожлантиришда инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга қўтариш.

Ўзбекистон аҳолиси қарийб 40 миллионга яқинлашди. Жадал демографик ва иқтисодий ўсиш биздан урбанизация ва шаҳарсозлик бўйича катта дастурларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Улар доирасида 2040 йилга қадар қуриладиган уй-жойларнинг сонини 2 қарра ошириб, урбанизация даражасини ҳозирги 51 фоиздан 65 фоизга етказишни режа қилганмиз.

Биз узоқ келажакни кўзлаган янги инвестиция марказларини барпо этмоқдамиз. Пойтахтимизга туташ ҳудудда 2 миллион аҳолига мўлжалланган замонавий Янги Тошкент мегаполисини бунёд этилмиз. Шунингдек, Андижон, Наманган ва Самарқандни миллионли шаҳарларга айлантириш бўйича лойиҳаларни бошлаб юборганмиз.

Умуман, юртимизда уй-жой қурилиш лойиҳалари йилгача камиди 10 миллиард долларлик кафолатли бозорни таъминлайди. Бунга қўшимча равишда инфратузилмани барпо этишда 27 миллиард долларлик давлат-хусусий шерик лойиҳаларини сизлар билан амалга оширишга тайёриэмиз.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳудудлари ривожланишида туризм ва замонавий агросаноат ҳам драйвер йўналишга айланмоқда. Хусусан, ўтган беш ойда юртимизга хорижий туристлар оқими 27 фоизга ўсиб, 5,5 миллион нафарни ташкил этди. Умуман олганда, Ўзбекистонда ҳар йили 15 — 20 миллион чет эллик сайёҳларни қабул қилиш ва уларга йилгача камиди 15 миллиард долларлик туризм хизматлари кўрсатиш салоҳияти бор.

Шу боис туризм дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро ва Хива билан бир қаторда бошқа ҳудудларимизда ҳам сайёҳлик соҳасига фаол сармоя киритасизлар деб умид қиламиз.

Қолаверса, аънаваний қишлоқ ҳўжалигини илгор агробизнес тармоғига айлантириш бўйича



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, бешинчи марта ўтказиладиган форумда Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов, Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчин, Қозғоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администратсияси раҳбари Адилбек Касималиев, Тоғжикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Янги тараққиёт банки раҳбари Дилма Русеф ҳамда бошқа кўп томонлама молия институтлари, хорижий банклар, глобал корпорациялар, йирик компаниялар, инвестиция жамғармалари ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашяпти. Шубҳасиз, бу Янги Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий тараққиётига, юксак савдо-сармоявий салоҳиятига мустаҳкам ишонч ва яқин ҳамкорликнинг чинакам ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида V Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ИНВЕСТИЦИЯ – ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ РЕСУРС ЭМАС, БАЛКИ ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ТАРАҚҚИЁТ ДЕМАК

Давлатимиз раҳбари жаҳон иқтисодиёти ва глобал капитал харитаси кескин ўзгараётган, савдо зиддиятлари авж олаётган ҳозирги мураккаб шароитда ҳар қандай инвестор тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш масаласига эътибор қаратади.

Янги Ўзбекистонда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш йўлида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларда айни шу вазифа устувор этиб белгиланган. Натижада жорий йилда мамлакатимиз нуфузли “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди.

— Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали шерик-лика тайёр инвесторлар учун доимо оқимиз, — деди Президентимиз.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, юртимиздаги қулай бизнес муҳити, демографик ўсиш, инсон капиталига берилаётган юксак эътибор Ўзбекистонни энг жозибадор инвестиция манзилларидадан бирига айлантирди. Утган йили иқтисодиёт тармоқларига 43 млрд. доллар инвестиция жалб қилингани, ялпи ички маҳсулот 7,7 фоиз ўсгани, миллий валюта барқарорлиги таъминланиб, халқаро заҳираларимиз ҳажми 70 млрд. доллардан ортигани замирида ана шундай оқилона инвестиция сиёсати мўжассам.

Бундай ижобий натижалар қўлга киритилишида аънаваний равишда ўлжазиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳам муҳим роль ўйнаяпти. Эътибор беринг: сўнгги йилларда 150 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, шундан 123 млрд. доллари охириги беш йил улушига тўғри келмоқда.

Бу борадаги кўрсаткичлар йил сайин ортиб бораверди. Янгиланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида инвестициявий жозибадорликни янада ошириш, қимматли қўроқлар бозорини жадал ривожлантириш бўйича юқори

марралар белгилаб олинган бўлиб, унга кўра асосий капиталга киритиладиган инвестициялар йиллик ўртача 5 — 7 фоиз ўсиб, хорижий инвестициялар ҳажми эса ҳар йили ўртанча 7 фоиз оширилади. Бунинг учун эса асослар етарли, албатта.

Ўзбекистон етакчиси мамлакатимиз инвестициявий тараққиётининг янги босқичида турган устувор вазифаларни белгилаб берди. У ўз нутқида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш учун олтинга устувор йўналишга алоҳида тўхталди. Булар — инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат тизимини янада кучайтириш; капитал бозорини ривожлантириш, мўқобил молия воситаларига кенг йўл очиш; юқори қўшилган қиймат занжирларини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш; “яшил” энергетика ва сунъий интеллект соҳаларидаги шерикликни янада кучуқлаштириш; минтақавий транспорт-логистика боғлиқлигини ривожлантириш; ҳудудларни ривожлантиришда инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш йўналишлари.

Айтиш жоизки, булар Янги Ўзбекистоннинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш йўлидаги рақобатбардор сармоявий сиёсатининг асосий стратегик мақсад ва вазифаларини тўлиқ қамраб олган.

Мамлакат инвестиция соҳасидаги янгиланишларининг ўзига хос хусусияти шундаки, кейинги йилларда сармоявий муҳитни тубдан яхшилашга қаратилган либерал ислохотлар олиб бориляпти. Ушбу жараёнда ишлаб чиқариш ва саноат йўналишлари диверсификация қилинди, ишбилармон ва инвесторларнинг қонунчи ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси мустаҳкамланди, энг асосийси, солиқ имтиёзлари ва бошқа энгилликлар тақдим этиляпти. Айниқса, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда корпоратив бошқарув ва ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Миллий инвестиция жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унинг бошқарувида “Franklin Templeton” ком-

панияси жалб этилгани бу борада энг муҳим қадам бўлди.

Утган ойда Миллий инвестиция жамғармаси илк бор халқаро бозорда 690 млн. долларлик активларни жойлаштирди. Қўвонарли жиҳати шундаки, ушбу жараёнда талаб тақлибдан 4 баробар юқори бўлиб, йирик инвесторлар томонидан қарийб 3 млрд. долларлик буюртмалар берилди. Бу Ўзбекистон глобал капитал бозори қоидаларини асосида ишлашга тайёр эканлиги бўйича берган “сигнал”га ҳамкорларнинг муносиб жавоби бўлди дейиш мумкин. Шу боис айни пайтда жамғарма портфелидаги 13 та йирик компанияда трансформация жараёнлари тезлаштирилди, уларни IPOга тайёрлаш чора-тадбирлари қўрилаётгани инвесторлар эътибори марказида бўлиб турбиди.

Экспертлар фикрича, глобал бозорларда хатарлар қучнаётган ҳозирги шароитда Осиё бозорлари, айниқса, Ўзбекистон инвестициялар йўналишти учун энг истиқболли макон ҳисобланади. Қўллаб хорижий сармоядорлар ҳам мамлакатимизни янги “Осиш нуктаси” дея эътироф этиб, бизнес фаолиятини юртимиз билан боғлашга интилмоқда. Шу боис инвесторлар ҳуқуқларини кучли институтлар, халқаро механизмлар орқали таъминлаш тизими яратилиши.

Бу ерда гап глобал молия харитасида пайдо бўлган янги манзил — Тошкент халқаро молия маркази ҳақида кетмоқда. Ўртбосимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур марказ иштирокчилари учун жозибадор солиқ тизими яратилади. Фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи ва божхона божлари “ноль” фоиз этиб белгиланади. Капиталнинг эркин ҳаракати, исталган валютада ҳисоб-китоб қилиш имконияти сўзсиз кафолатланади. Молиявий технологиялар, рақамли активлар, “яшил” молия учун замонавий тизим яратилади. Марказ ҳудудида норматив ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга мустақил молиявий регулятор ҳам ташкил этилади.

Шу билан бирга, бу ерда Инглиз ҳуқуқига асосланган махсус тартиб-та-

ҳам дадил қадамлар ташлаяпмиз. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон дунёнинг 70 дан ортиқ давлатига йилгача 3,5 миллиард долларлик мева-сабзаот экспорт қилиб, ўз “бренди”га эга бўлди.

Биз ҳосилдорликни ошириш, янги органик маҳсулотларни кўпайтириш орқали экспортни 10 миллиард долларга олиб чиқиш бўйича катта маррани кўзлаганмиз.

Шу ўринда сиз, нуфузли компаниялар вакилларига қарата айтмоқчиман: бугунги анжуманда бизнинг 14 та ҳудудимиз раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда. Марҳамат, улар ҳамроҳлигида вилоятларга бориб, яратилаётган имкониятлар билан бевосита танишинг. Бой тажрибангиз, технология ва сармоянгиз билан ўзаро манфаатли лойиҳаларда фаол иштирок этинг. Бу жараёнларда барча ҳокимлар сизларнинг ёнингизда туриб, яқиндан кўмак беради ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Азиз меҳмонлар! Биз Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ташаббуси билан Марказий Осиё ва Кавказ инвестиция кенгашларининг минтақавий альянсини ташкил этилаётганини ўз вақтида қабул қилинган қарор деб ҳисоблаймиз.

Бозор қанчалик катта ва қоидалар қанчалик уйғун бўлса, минтақа давлатларида сармоялар оқими шунча кўпаяди. Шу маънода, мазкур муҳим ташаббус келгусида умумий инвестиция маконини яратиш йўлидаги дастлабки қадам бўлишига аминиз.

Қадрли дўстлар! Биз эртага сармоядорлар билан доимий институционал мулоқот формати — Президент хузуридаги Инвесторлар кенгашининг ялпи мажлисини ўтказамиз. Бир стол атрофида ўтириб, юзага келаётган ҳар қандай муаммоларга самарали ечимлар топамиз ва аниқ вазифаларни белгилаб оламиз.

Чунки биз учун инвестиция бу фақат иқтисодий ресурс эмас, балки илгор технологиялар, замонавий билим ва тажрибалар, янги иш ўринлари ва давр билан ҳамнафас тараққиёт демокдир.

Ҳар қандай буюк орзу ва ниятни ҳаётга тўла татбиқ этишда асосий ҳамкор, ҳеч шубҳасиз, эзгу ниятли инвесторлар, десак, муболага бўлмайди. Шу боис диёримизга катта ишонч ва ғоялар билан келаётган хорижий сармоядорларга Янги Ўзбекистоннинг эшиклари ҳамиша очик. Президент сифатида шахсан ўзим ва Ҳукуматимиз ёнингизда елкадош бўлишга доим тайёриэмиз.

Тошкент инвестиция форуми руҳи барчангизни мамлакатимизга доим қорлаб туришига, умумий муваффақият рамзига айланишига ишонаман.

Юртимизнинг гўзал табияти, бетакор маданияти ва олийжаноб халқимизнинг меҳмондўст қалби эса дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун ўзига хос инвестиция бўлишига аминман.

Сўзимнинг якунида анжуманларимизда қатнашаётган инвесторларга, хорижий ҳукумат ва халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакилларига яна бир бор чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаолиятингизда улкан зафарлар тилаб қоламан.

янада кенгайтириш бўйича ўз таклиф ва ташаббусларини билдирди.

Тошкент халқаро инвестиция форуми бу гал янада кенг қўлам, кенгайтирилган шаклда ўтказилимоқда. Шу боис форум кундалиги ниҳоятда тигиз бўлиб, унинг доирасидаги шубъа мажлисларида инвестицияларни жалб этиш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш, сармоявий алоқаларни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда. Давлатлараро бизнес-форумларда йирик лойиҳалар тақдимотлари, икки томонлама учрашувлар ўтказиляпти.

“Central Asian Expo Uzbekistan” мажмуасида ташкил этилган кўргазма эса Ўзбекистон саноат ва инвестиция салоҳиятининг чинакам кўзгусига айланган. Унда нефть-кимё, чакана савдо, машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари, металлургия, фармацевтика, озиқ-овқат саноати сингари иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги инвестиция имкониятлари, мегалойиҳалар намойиш этилмоқда. Шу маънода, ушбу кўргазма Ўзбекистон сармоявий салоҳиятини намойиш қилиш баробарида бизнес мулоқоти ривожлантириш, давлат идоралари, халқаро инвесторлар ва етакчи компаниялар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишда муҳим платформага айланди.

Жорий йилги форумда ҳам инвестиция келишувларининг йирик тўпламини имзолаш режалаштирилган. Хусусан, кимё саноати, геология ва металлургия, энгил саноат, электротехника ва машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш материаллари, энергетика ва экология

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИНГ МУТЛАҚ ЯНГИ МОДЕЛИ ЯРАТИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз ўз экспорт салоҳиятини ошириш, маҳаллий маҳсулотларни Европа бозорларига олиб чиқиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга интилаётган бир пайтда, Германия ўзининг илғор технологиялари, инновацион ишланмалари ва юқори сифатли усуналари билан энг мақбул шерик ҳисобланади.

Бугунги кунда юртимизда Германия сармояси ва капитали иштирокида кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Германия компаниялари ўзбек бозорига нафақат маблаг, балки янгича корпоратив бошқарув маданияти ва юқори технологияларни олиб кирмоқда. Бу эса ички бозорда рақобатдош маҳсулотлар турини кўпайтириш ва юқори даромдли иш ўринларини яратиш имконини берапти.

Муносабатлар фақатгина рақамлар, заводлар ёки савдо айланмаси билан чекланиб қолмайди. Бу ҳамкорликнинг марказида, биринчи навбатда, инсон омили ва халқларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ришталар туради. Таълим ва фан соҳаси икки томонлама алоқаларнинг энг фаол ва жонли йўналишига айланган.

Олий мартабали меҳмон дастлаб “Янги Ўзбекистон” боғидаги Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйиб, халқимизнинг озод ва фаровон ҳаёт йўлидаги эзгу интилишларини ўзида муҷассам этган ушбу муъаззам мажмуага юксак эҳтиром кўрсатди.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайерни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдигадаи майдонда фахрий қоровул саф торди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсупага таклиф этди.

Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб,

расмий делегациялар аъзоларини бир-бирларига таништирдилар. Маросим якунида биргаликда суратга тушилди, сўнг олий даражадаги музокаралар бошланди.

Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг тор доирада ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустақамлаш, савдо-иқтисодий алоқалар ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий масалалари қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Германия Президентининг ўз мамлакатаи ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини изчил ривожлантиришга ҳамда ўзаро манфаатли минтакаларар ҳамкорликни илгари суришга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Икки томонлама мулоқот жадал тус олиб, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар юксак даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо-инвестиция соҳасидаги ҳамкорликда барқарор ижобий суръат кузатилмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард доллардан ортиб, жорий йилнинг ўтган даврида яна 5 фоизга кўпайди. Германиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига қиритган инвестициялари ҳажми 2025 йилда 2 миллиард долларга етди.

Май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Германия иқтисодиёти кунлари ҳамда Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ўнинчи йилгишининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Тадбирлар якунида 1 миллиард долларлик янги инвестиция ва савдо келишувлари тўплами имзоланди.

Маданий-гуманитар алоқалар изчил мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 400 мингдан зиёд ёшлар немис тилини ўрган-

моқда, 2 мингдан ортқ талабалар Германиянинг етакчи университетларида таҳсил олмоқда. Ўтган йили илк бор икки мамлакат университетларининг форуми бўлиб ўтди.

Ўтган ҳафта немис университетлари консорциуми билан Самарқанда Ўзбекистон — Германия амалий фанлар университетини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзолангани таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Давлат раҳбарлари саноат, энергетика ва “яшил” иқтисодиёт, транспорт ва логистика, тоғ-кон, тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишларида ҳамкорликни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини қайд этдилар.

Етакчилар автомобилсозлик, машиш қимм маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳаларида янги қўшма лойиҳа ва дастурлар ишга туширилаётганини олқишладилар. Тошкентда иккинчи Университетлар форуми ҳамда учинчи Ўзбекистон — Германия табибёт форумининг ўтказилиши қўллаб-қувватланди.

Томонлар минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, кўп томонлама майдонларда, шу жумладан, “Марказий Осиё — Германия” формати доирасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.

Германия Федерал Президентининг ушбу ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожида янги босқични бошлаб бериши ҳамда икки томонлама муносабатларнинг барча жабҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер ўтказилган музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилиб, кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилишларини тасдиқладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларни амалга ошираётган ва янгиларини бошлашни режалаштираётган Германиянинг етакчи компаниялари вакиллариини самимий кутладилар.

Икки томонлама ҳужжатларни амлаиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича лойиҳаларни бажариш учун грант маблағлари ажратиш ва имтиёзли молиялаштиришни назарда тутувчи молиявий ҳамкорлик соҳасидаги келишувлар имзоланди.

Икки мамлакат етакчилари ҳузурида бир қатор қўшма инвестиция ва таълим лойиҳаларига старт берилди. Тошкент шаҳрида “Volkswagen” автомобилларини йирик узелли йиғишни ташкил этиш, Анджон вилотида логистика марказини барпо этиш, суоқ маиший ювиш воситаларини ишлаб чиқариш, темир йўл соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда замонавий имтиҳон марказларини очиш каби лойиҳалар шулар жумласидан.

Ушбу ташаббусларни амалга ошириш саноат кооперациясини кенгайтириш, инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги шериклики янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Германия музокаралари якунида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Франк-Вальтер Штайнмайер дарахт экиш маросимида иштирок этдилар.

Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонида экилган дарахт Ўзбекистон ва Германия халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик, ишонч ва ўзаро англашув ришталарининг рамзига айланиб, икки томонлама муносабатлар тарихида янги босқич бошланганининг тимсоли бўлади.

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВАЛБОЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

АЛБАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай рафиқаси ҳамроҳлигида 16-17 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг биринчи кўни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Албания Президентлари расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар. Икки давлат ўртасида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари қўриб чиқилди.

Олий мартабали меҳмон рафиқаси ҳамроҳлигида шу кўни пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Албания етакчиси ташриф доирасида Самарқанда ҳам бўлиб, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Амир Темур макбараси, Регистон мажмуаси, Мирзо Улуғбек музей-расадхонаси, Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасига ташриф буюрди.

Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай 17 июнь кўни пойтахтимизда ўтказилаётган V Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этиб, ялпи мажлисда нутқ сўзлади.

— Бундай нуфузли форумда иштирок этиш мен учун катта шараф. Таклиф ва самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон ҳукумати миннатдорлик билдираман, — деди Албания Президенти Байрам Бегай. — Иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётган бугунги даврда Тошкент халқаро инвестиция форуми каби майдонлар алоҳида аҳамият касб этади. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар нафақат расмий музокаралар, балки тадбиркорлар, сайёҳлар, олимлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар орқали ҳам мустаҳкамланади.

Ўзбекистонга биринчи ташрифим бўлса-нда, мамлакатларимиз ўртасидаги яқинлики чўқур хис қилдим. Албания Ўзбекистон билан узок муддатли ва ўзаро манфаатли иқтисодий шериклики ривожлантиришдан манфаатдор. Биз бу ҳамкорликни мазмунли ва самарали қилиш учун барча имкониятларни ишга солишга тайёриэм.

Албания етакчиси Тошкент шаҳридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига ҳам борди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган мазкур марказ ислон маданияти ва илм-фанининг олтин даврини ўзда-нига жамлаган йирик илмий-маърифий платформдир. Бу ерда асралаётган ноёб манбалар ва қўлёзмалар, дунё цивилизацияси ривожига замин яратган фундаментал тадқиқот-

лар халқаро илмий жамоатчилиқ учун маёқ бўлиб хизмат қилади.

Яқинда ушбу мажмуа “Дунёнинг энг йирик ислон цивилизацияси музейи” сифатида “Гиннеснинг жаҳон рекордлари китоби”га киритилди. Бу эътироф марказнинг меъморий жиҳатдан мухташамлиги ҳамда унинг глобал миқёсдаги аҳамиятини ҳам тасдиқлайди. Бино миллий меъморчилик мактаби аъаналари ва замонавий шаҳарсозлик технологияларининг ноёб уйғунлиги намунаси-дир.

Албания Республикаси Президенти марказдаги “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” деб номланган махсус экспозициялар билан батафсил таништирилди. Мазкур бўлимлар хронологик изчилликда тузилган бўлиб, улар заминимиздан етишиб чиққан буюк аллоамаларнинг жаҳон илм-фани, фалсафаси ва маънавиятига қўшган ҳиссасини яққол кўрсатиб беради. Бугунги Учинчи Ренессанс гоёси мана шундай мустаҳкам тарихий пойдеворга таяниши олий мартабали меҳмонда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Ташриф давомида Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар даврларига оид нодир қўлёзмалар ҳамда бетакрор тарихий экспонатлар кўздан кечирилди. Ушбу асарлар ва моддий маданият намуналари ўзбек давлатчилиги тарихи нафақат сиёсий, балки юксак интеллектуал қудрат устига қурилганининг жонли исботидир.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг “Фахрий меҳмонлар китоби”га ўз мулоҳазаларини бити-б қолдирди.

— Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига ташриф буюрганимдан гоят мамнунман. Президентимизнинг узокни кўра би-лиш сиёсати самарасида барпо этилган ушбу ажойиб марказ нафақат Ўзбекистон, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам бебаҳо хазина-дир, — деди Албания Президенти. — Мазкур марказ бу ерга келаётган сайёҳлар, айниқ-са, ёш авлодингз юртингиз тарихи ва мада-ний мероси билан яқиндан танишиши учун муҳим манба бўлишига ишонаман.

Шу билан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегайнинг Ўзбекистонга рас-мий ташрифи якунланди.

Ў.А.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қозғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов сўхбат аввалида давлатимиз раҳбарига Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоевнинг самимий саломи ва эзгу тилақларини ет-казди.

Ўзбекистон — Қозғистон стра-тегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқур-лаштиришнинг долзарб масалала-ри қўриб чиқилди.

Барча даражалардаги фаол му-лоқот мамнуният билан қайд этил-ди. Товар айирбошлаш ҳажмлари ўсиб, яқинда қабул қилинган янги “Йўл харитаси” асосида иқтисо-диётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш давом этмоқда.

Июль ойида бўлиб ўтадиган Ҳуку-матлараро комиссия йиғилиши ҳамда Ақтау шаҳрида ўтказилади-ган ҳудудлар раҳбарларининг би-ринчи Кенгашига пухта тайёргарлик қўриш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вази-ри Сухайл ал-Мазруйи бошчилиги-даги делегация билан учрашувда Ўзбекистон — БАА стратегик ше-риклик муносабатлари жадал ри-вожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Сўхбат аввалида вазир давлати-миз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳён, Бош вазири, Дубай амира Шайх Муҳам-мад Ол Махдум, Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳён ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Шайх Холид Ол Наҳённинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Қайд этилганидек, товар айир-бошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони ортиб бор-моқда. Бешинчи Тошкент инвести-ция форуми доирасида БАА компа-ниялари билан қатор янги келишув-лар имзоланиши кутилмоқда.

“Яшил” энергетика, ёқилғи ишлаб чиқариш, транспорт, логис-тика, сунъий интеллект, рақамлаш-тириш ва бошқа йўналишлардаги йирик лойиҳаларни жадаллашти-ришга келишиб олинди.

Хитой Халқ Республикаси Мил-лий энергетика бошқармаси раҳба-ри Ван Хунчжи бошчилигидаги де-легация билан учрашувда “China Energy Engineering Corporation”, “China Datang”, “Sinoma Energy Conservation”, “China Southern Power Grid”, “CAMCE”, “CNNC”, “State

Nuclear Uranium Resource Development” компаниялари раҳбар-лари ҳамда “The Export-Import Bank of China” ва “Bank of China” вакил-лари иштирок этди.

Энергетика ва геология соҳала-рида ўзаро манфаатли юқори тех-нологик лойиҳаларни илгари суриш, банк-молия борасида амалий ҳам-корликни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги савдо-иқтисо-диёт ва инвестиция йўналишлари-да жадал суръат билан ривожланиб бораётганини чўқур мамнуният би-лан қайд этди.

Йилнинг ўтган даврида товар айирбошлаш ҳажми 6 миллиард доллардан ошди, Хитойдан 8 ми-лиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимизда қарийб 6 мингта қўшма корхоналар муваффақият-ли фаолият юритмоқда.

“Яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни илгари суришга ало-ҳида эътибор қаратилди. Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда энергияни сақ-лаш тизимлари қурилмоқда.

Ушбу лойиҳаларни тезлаштириш ҳамда фотоэлектр станциялар қув-ватини кенгайтириш, агровольтаи-кани жорий этиш ва электр узатиш линияларини қуриш каби янги та-шаббусларни бошлаш режалари қўллаб-қувватланди.

Чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисо-бига энергия ишлаб чиқариш, дата-марказлар ва бошқа замонавий тех-нологик ечимларни ривожлантириш соҳасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тоғ-кон ва геология соҳаларида-ги ҳамкорлик истиқболлари бўйича фикр алмашилди. Бу борада кон-ларда биргаликда геология-қидирув ишларини олиб бориш ва уларни ўзлаштириш, муҳим хомашёни ет-казиб бериш соҳасида узок муддат-ли шериклики йўлга қўйиш назар-да тутилмоқда.

Музокараларда Хитойнинг йирик банклари билан молиявий ҳамкор-ликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилди. Инфратузилма-вий лойиҳаларни молиялаштириш, ирригация тизимларини модерниз-ация қилиш, юқори тезликда хара-катланишга мўлжалланган автомо-биль йўллари ва гидроэлектростан-цияларини барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бе-риш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни

қўллаб-қувватлаш масалалари му-ҳокама қилинди.

Учрашув иштирокчилари давлатимиз раҳбарига проактив мулоқот учун миннатдорлик билди-риб, эришилган келишувларни сўзсиз амалга оширишга қатъий интилишини тасдиқладилар.

Буюк Британиянинг инвестиция-лар бўйича давлат вазири, лорд Джейсон Стоквуд бошчилигидаги делегация билан учрашувда Буюк Британиянинг “UK Export Finance”, “Standard Chartered UK”, “Sturgeon Capital”, “Endeavour Mining” ва “British Petroleum” каби етакчи ком-паниялари, банклари ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари қўриб чи-қилди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ижобий суръати қайд этилди. То-вар айирбошлаш ҳажми ва Брита-ния сармояси иштирокидаги корхо-налар сони жадал ўсиб бормоқда.

Тошкент халқаро молия маркази, Халқаро тижорат суди ва ка-питал бозорини ривожлантириш ҳамда фармацевтика, сунъий интеллект ва энергетика соҳаларида технологик шерикликини кенгайтириш бўйича таклифлар қўллаб-қувватланди.

Молия, инфратузилма, давлат-ху-сусий шериклик, “яшил” энергетика, транспорт, геология ва нефть-газ соҳаларида, шу жумладан, иж-тимоий инфратузилмани ривожлан-тириш ва чиқиндиларни қайта иш-лаш бўйича қўшма лойиҳаларни ил-гари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон — Саудия Ишбилар-монлар кенгаши ҳамраиси, “ACWA” компанияси бошқаруви раиси Му-ҳаммад Абунайян билан учрашувда ушбу мамлакат ишбилармонлари доирасида ҳамкорликни янада ке-нгайтириш ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Саудиянинг “ACWA” ва бошқа ком-паниялари билан сермахсул шерик-лик йўлга қўйилгани мамнуният би-лан қайд этилди. Бу борада Тошкент инвестиция форуми доирасида яна бир қатор келишувларга эришилган.

Учрашувда “Яшил” энергетика, соғлиқни сақлаш, транспорт, инфратузилма, туризм ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни жа-даллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Дўстлик ришталари

ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИДА

17 июнь кўни V Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчин, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев ҳамда Тожикистон Республикаси Бош вазири Қохир Расулзода Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида бўлди.



Олий мартабали меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлик қилди.

Ташриф давомида меҳмонларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган ушбу улкан маърифий масканнинг қурилиш тарихи, мақсад ва вазифалари, унинг халқимиз бой илмий-маънавий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва дунё жамоатчилигига кенг тарғиб этишдаги аҳамияти ҳақида қисқача маълумот берилди.

Меҳмонлар марказдаги “Шон-шараф” ва “Қуръони карим” заллари, “Ислондан олдинги давр”, “Биринчи Ренессанс”, Иккинчи Ренессанс” ҳамда “Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” экспозициялари билан яқиндан танишди.

Ташриф давомида Ўзбекистон замини-да шаклланган қадимий давлатчилик аъаналари, ислон илм-фани ва маданияти ривожига беқеъ ҳисса қўшган буюк аллоамалар мероси, темируйлар давридаги юксалиш жараёналари, шунингдек, бугун-ги Янги Ўзбекистонда илм-фан, таълим, маданият ва маърифат соҳаларида амал-га оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди.

Айниқса, марказда қўлланилган замо-навий мултимедиа ечимлари, ноёб қўлёз-малар, тарихий экспонатлар ва интерак-тив кўргазмалар меҳмонларда катта қизи-қиш уйғотди. Таъкидланганидек, мазкур мажмуа нафақат Ўзбекистоннинг бой та-рихи ва маънавий салоҳиятини, балки мамлакатимизнинг очиклик, тараққиёт ва халқаро ҳамкорликка қаратилган бугунги сиёсатини ҳам яққол намоён этади.

V Тошкент халқаро инвестиция фору-ми кунларида бу каби ташрифлар алоҳи-

да аҳамиятга эга. Зеро, форум нафақат иқтисодий шериклик ва инвестициявий ҳамкорлик учун, балки Ўзбекистоннинг маданий-маърифий салоҳиятини дунёга танитиш учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистондаги Ислон ци-вилзацияси маркази эса Янги Ўзбекистон-да миллий мерос ва замонавий тараққиёт уйғун равишда ривожлантаётганини кўрсат-увчи бетакрор маскан сифатида хорижий делегациялар эътиборини тортмоқда.

Олий мартабали меҳмонлар мазкур мажмуани ислон оламидаги энг йирик ва ўзига хос лойиҳалардан бири сифатида юқори баҳолаб, унинг халқаро миқёсдаги илмий-маърифий аҳамиятини алоҳида эътироф этди.

Ташриф якунида ҳукумат раҳбарлар марказнинг Фахрий меҳмонлар китоби-га ўз қайدلарини қолдириб, Ўзбекистон Рес-публикасида маданий меросни асраш ва уни кенг тарғиб қилиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотларга юқори баҳо берди.

Александр ТУРЧИН,
Беларусь Республикаси
Бош вазири:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли бунёд этилган Ўзбекистондаги Ислон ци-вилзацияси марказининг улғуворлиги ва бетакрор тимсолидан ҳайратим чексиз. Ушбу меъморий дурдона ва ноёб музей асрлар давомида илм-фан, санъат ва маърифат тараққиётига илҳом берган буюк халқнинг ақл-заковати ва бунёдкор-лиги маҳсулидир. Марказга равнақ ва та-

раққиёт, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса тинчлик, эзгулик ва фаровонлик тилайман.

Али АСАДОВ,
Озарбайжон Республикаси
Бош вазири:

— Очиғи, бениҳоя ҳайратдаман. Ўзбе-кистондаги Ислон цивилизацияси маркази-нинг улғуворлиги менда чўқур таассур-от қолдирди. Бу ерда муҳтарам Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида, шу вазифа юклатилган масъуъллар билан ҳамкорликда Ислон тари-хи мукаммал тарзда қайта яратилган.

Барча экспозициялар тарихий ҳақиқат-га мос равишда, юксак бадийий дид ва катта маҳорат билан яратилган. Ишончим комилки, дунёда ўхшашини топиш қийин бўлган бу марказ Ислон цивилизацияси-нинг бутун улғуворлигини намоён этади. Марказда акс эттирилган Ислон Ренес-сансининг уч босқичи узок йиллар



ОЛҒА, ФАҚАТ ОЛҒА, МИЛЛИЙ ЖАМОАМ!

Даъват

Не олғирлар тушиб яшил майдонга,
Гоҳ орзуга тўлган, гоҳо армонга.
Бугун олам аро миллионларнинг
Кўзлари тикилган Ўзбекистонга!

Бу ўйинда кўндир зўрлардан зўри,
Ҳар бир гол мисоли қалбларнинг кўри,
Албат, ҳеч бировдан қолишмагайдир
Ҳужумга отланган ёвқур “оқ бўри”.

Таптортмас ҳужум-у метин ҳимоя,
Рақиб юрагига қалбақларнинг соя,
Юртим, елка тутсанг ўғонларингга,
Ғолиб юришларинг билмас ниҳоя.

Талантда ўхшаши йўқ ул нодирлар,
Бир ният бағрига мудом жодирлар,
Ҳозирдир шаънингни кўтармоқ учун
Элдору Аббослар, Абдуқодирлар!

Буюк боболарим демишки абас:
“Бу майдон ичида турмоқ осонмас...”
Қанотин кенг ёзса шижоатингиз,
Бунда ҳеч ким сизга келолмағай бас.

Бўлса музаффарлик чин нишонаси,
Бахтдан ярқирағай эл пешонаси,
Чиқажақ юксаклик шоҳсупасига,
Ҳали ҳар ўғил-қиз, ҳар бир боласи.

...Халқим шодумондир, қароқларда нам,
Кузатар кипригин пирпиратмай ҳам,
Юртбошим ишончи куч берсин сизга,
Олға, фақат олға, миллий жамоам!

Қутлуғ мақсад сари ҳар не шай, илло,
Ҳар бир беллашуви голга бой, илло,
Жаҳон аро порлаб сўнмас юлдуздек,
Ўзбегим қудратин кўрсатгай, илло!

Ўткир РАҲМАТ.



ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЙ ТАЪЛИМИ

УНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ — СТРАТЕГИК ЖИҲАТДАН МУҲИМ ҚАРОР

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кечаётган кенг кўламли янгиланиш жараёнлари халқаро академик ва эксперт доираларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Германия илмий ҳамжамияти ва университетлари ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб келмоқда. Мен ушбу ўзгаришларни фақат миллий тараққиёт дастурининг таркибий қисми сифатида эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасида янги тараққиёт муҳитини шакллантираётган муҳим стратегик жараён сифатида баҳолайман.

Академик ҳамкорлик

Айниқса, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида инсон капиталига устувор аҳамият берилаётгани халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоламоқда. Чунки XXI асрда давлатларнинг иқтисодий қудрати, технологик салоҳияти ва халқаро рақобатбардошлиги, аввало, билимли, ташаббускор ва юқори малакали инсон ресурслари билан белгиланади. Шу нуктаи назардан қараганда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига қаратилаётган эътибор мамлакат келажагини белгилайдиган энг муҳим стратегик инвестициялардан биридир.

Тиббиёт соҳаси мазкур жараёнларда алоҳида ўрин тутати. Зеро, соғлом жамият ҳар қандай барқарор тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворидир. Бугунги замонавий тиббиёт юқори технологияли усуллар ва инновацион даволаш усуллари билан бир қаторда кенг дунёқарашга эга, мустақил қарор қабул қила оладиган, касбий масъулиятни чуқур англайдиган ҳамда замонавий билимларга таянувчи шифокорларни талаб этмоқда.

Шу боис тиббиёт таълими ҳам қандай давлатнинг стратегик ривожланиш масаласига айланоқда. Бугунги кунда тиббиёт инсоният тараққиётининг энг тез ўзгараётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Сунъий интеллект, рақамли тиббиёт, геномика, биоинженерия ва катта маълумотлар таҳлили каби технологиялар нафақат диагностика ҳамда даволаш усуллари, балки тиббий таълим мазмунини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

Эндикликда тиббиёт университетларининг вазифаси талабаларга таълим бериш билан чекланмайдиган. Улар ёш мутахассисларда клиник тафаккур, танқидий таҳлил қилиш қобилияти, илмий ёндашув, жамоада ишлаш кўникмалари ҳамда умр давомида ўқиб-ўрганиш маданиятини шакллантириши лозим. Замонавий тиббиёт университети шунчаки таълим муассасаси эмас, балки инновациялар, тадқиқотлар ва янги юзлар марказига айланиши зарур.

Любек университети президенти сифатида бирмунча вақт муқаддам Ўзбекистонда тиббиёт таълимини модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш имко-



нияга эга бўлдим. Кузатишларимга кўра, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тиббий таълимни халқаро стандартлар асосида ривожлантиришга қаратилган сиёсат ўз вақтида бошланган ва узоқ муддатли истискобл нуктаи назаридан муҳим стратегик аҳамиятга эга қарор ҳисобланади. Айниқса, тиббий таълим, клиник амалиёт ва илмий тадқиқотлар интеграциясини қўчайтиришга қаратилган ёндашувлар Германиядаги замонавий тиббиёт таълими концепцияси билан ҳамоҳангдир. Бу борада Тошкент давлат тиббиёт университети билан шаклланган ҳамкорлигимиз умумий мақсад ва муштарак қадриятларга таянади.

Кузатишлар кўрсатадики, бугунги кунда Тошкент давлат тиббиёт университети мамлакат тиббий таълим тизимида муҳим ўрин тутаётган ва жадал ривожланаётган муассасалардан бири ҳисобланади. Университетда амалга оширилаётган ўзгаришлар, таълим сифатини оширишга қаратилган ташаббуслар, халқаро ҳамкорликка очиклик ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси менда катта қизиқиш уйғотди.

Ташриф давомида замонавий инфратузилма ва таълим базаси билан танишувдан ташқари, энг муҳими, ўзгаришларга тайёр, халқаро рақобат талабларини англайдиган ва катта мақсадлар сари интилаётган академик жамоани кўрдим. Ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти, аввало, инсонларга боғлиқ. Шу маънода, университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар жамоасининг ўзгаришларга очиклиги ҳамда халқаро ҳамкорликка интилиши менда ижобий таассурот қолдирди.

Бугун дунё университетлари олдида турган асосий вазифалардан бири миллий таълим тизимларини халқаро академик муҳит билан уйғунлаштиришдан иборат. Бу жараёнда шериклик, ўзаро ишонч ва очик мулоқот ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тошкент давлат тиббиёт университети ва Любек университети

ўртасидаги ҳамкорлик ҳам айнан ана шу тамойилларга асосланган. Бу икки олий таълим муассасаси ўртасидаги оддий академик алоқа эмас, балки замонавий тиббий таълим соҳасида илгор билимлар трансфери, тажриба алмашиш ва янги академик маданиятни шакллантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик шерикликдир.

Ўзбекистон — Германия ректорлар форуми давомида бошланган мулоқотлар қисқа вақт ичида амалий натижаларга айланди. Форум доирасида тиббий таълим дастурлари таҳлил қилинди, ўқув режалари таққосланди, экспертлар даражасида муҳокамалар ташкил этилди ҳамда келгуси ҳамкорлигининг аниқ йўналишлари белгилаб олинди.

Тошкент давлат тиббиёт университети ректори Шўҳрат Боймуродовнинг Любек университетига ташрифи чоғида Германия олий тиббий таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган тиббиёт таълим дастури Тошкент давлат тиббиёт университети базасида жорий

тарафдори эмасмиз. Ҳар бир мамлакатнинг ўз тарихи, маданияти, соғлиқни сақлаш тизими ва таълим анъаналари мавжуд. Шу боис ҳамкорлигимизнинг асосий тамойили энг яхши халқаро амалиётларни Ўзбекистон эҳтиёжлари ва миллий хусусиятлари билан уйғунлаштиришдан иборатдир. Айнан шу ёндашув ҳамкорлигимизнинг энг кучли томони ҳисобланади.

Сўнгги ойлар мобайнида амалга оширилган ишлар натижасида Германия стандартларига мослаштирилган ўқув дастурларини жорий қилиш учун зарур академик ва ташкилий асослар яратилди. Бу жараёнда профессор Юрген Вестерманн ва доктор Хелена Гертц раҳбарлигидаги мутахассислар жамоасини эътироф этмоқ лозим. Улар таълим мазмунини, ўқув режалари, модулар, баҳолаш тизими ва академик қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

Аёнки, ҳар қандай таълим ислохотининг ҳақиқий натижаси аудиторияда намоён бўлади. Шунинг



“Бугун Ўзбекистон тиббий таълимида бошланган ўзгаришлар яқин келажақда халқаро стандартларга жавоб берадиган, замонавий клиник тафаккурга эга, илмий ёндашувни чуқур ўзлаштирган ва глобал тиббиёт маконига муваффақиятли фаолият юрита оладиган янги авлод шифокорларини тайёрлашга хизмат қилади.”

этиш бўйича принципиал қелишувга эришилди. Бу қелишув нафақат ҳуқуқий ва ташкилий асос яратди, балки ҳамкорлигининг амалий босқичига ўтиш учун мустаҳкам пойдевор вазибасини бажарди.

Дастлабки босқичда томонлар дастурининг умумий мазмунини, модулар тизими, баҳолаш мезонлари, академик қўллаб-қувватлаш механизмлари ва таълим тизимини таъминлаш масалаларини чуқур муҳокама қилди. Тиббий таълимда ҳар қандай янгилик пухта методик асос, малакали кадрлар ва самарали баҳолаш тизимисиз қўтилган натижалар бермайдиган. Шу сабабли, мазкур лойиҳада ташқи ҳамкорликдан кўра институционал ўзгаришлар мантиғи устувор аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда муҳим бир жиҳат. Биз Ўзбекистонга тайёр моделни таклиф қилиш ёки Германия тажрибасини механик тарзда қўчириш

учун ҳам профессор-ўқитувчилар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Тошкент давлат тиббиёт университетидаги иқтидорли ёш педагогларнинг Любек университетига амалиёт ўтатиш ва малака ошириш дастурларига жалб қилиниши орқали келажақдаги ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини шакллантиришга ҳисса қўшмоқдамиз.

Ўзбекистонлик педагоглар Германиядаги замонавий тиббий таълимнинг мазмунини, симуляцион технологиялар, клиник кўникмаларни баҳолаш усуллари, рақамли таъ-

Зеро, тиббиёт таълимига киритилган ҳар бир сармоя — инсон ҳаётига йўналтирилган инвестициядир. Инсон саломатлиги ва қадри эса ҳар қандай давлат тараққиётининг олий мезони бўлиб қолаверди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг тиббий таълимини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришга қаратилган сиёсати мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётга хизмат қиладиган энг муҳим стратегик қарорлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Хельге БРАУН,
Любек университети президенти, профессор (Германия).

Фикр

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 майдаги “Ёшлар орасида китобхонлик дастурини кенг жорий этиш ва уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармойиши мутлоаа илҳомданди, айниқса, умумтаълим мактабларида ўқийётган китобхон ўғил-қизларни беҳад севинтиргани рост. Президентимиз бу ҳақда Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган Ўзбекистонда китобхонлики ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт бериш маросимида ҳам алоҳида таъкидлаб, бугунги мураккаб шароитда инсоннинг мустақил фикрлай олиши энг катта устунилик эканини қайд этди.

Фармойишга кўра, 2026 йилдан бошлаб ҳар йили умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий китобхонлик ҳаракати ўтказилиши белгиланди. Дастур ҳар йили 50 минг АҚШ доллари, 2-ўринин олган 2 нафар совриндорнинг ҳар бири 30 минг АҚШ доллари 3-ўринин олган 2 нафар иштирокчининг ҳар бири 15 минг АҚШ доллари пул мукофоти ва дипломлар билан тақдирланади. Шунингдек, 5 та қўшимча номинация бўйича ҳам қатнашчиларнинг ҳар бири 10 минг АҚШ доллари эга бўлади.

Жасур РЎЗИҚУЛОВ,
Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси, Бухоро давлат техника университети доценти:

— Бугунги глобаллашув даврида дунё янги босқичга кириб бормоқда. Технолологиялар ҳаётиимизни тубдан ўзгартиряпти, сунъий интеллект инсон тафаккури билан рақобатлаша бошлади. Аммо битта ҳақиқат бор, яъни инсониятни буюк қиладиган ҳам, миллатни юксалтирадиган ҳам тафаккурдир. Унинг илмиди эса китобда.

Президентимизнинг ёшлар орасида китобхонликини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармойиши бежиз қабул қилинмади. Чунки бугун жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири маърифатли, эркин фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган ёшларни тарбиялашдир.

Ушбу ташаббусни ёшлар маънавияти ва келажаги учун тарихий бурилиш бўлди, десак, айна ҳақиқат. Чунки китобга эътибор — келажаққа эътибордир. Китобхон ёшлар кўнайган мамлакатда ҳаюлат эмас, тафаккур ва зғуғлик ҳукм суради.

Бугун давлатимиз китобхонликка жуда катта эътибор қаратмоқда. Миллий китобхонлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши, гоилибарга катта миқдордаги муқофотлар берилиши ёшларни билимга рағбатлантиришининг мутлоаа янги модели бўлди. Бу шунчаки танлов эмас, балки миллат келажаги учун олиб борилаётган маънавий ислохотдир.

Муҳими, ушбу лойиҳа оддий мактаб ўқувчиларини китобга меҳри орқали унинг келажагини ўзгартариши мумкин. Биргина китоб сабаб бир ёшнинг дунёқарашини ўзгаради, бир оиланинг маънавий муҳити бойийди, эртага эса бутун жамиятнинг тафаккури юксалади. Сирасини айтганда, Учинчи Ренессанс пойдеворини бугун китоб ўқийётган ёшлар куради.

Умиджон НАБИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:

— Мазкур фармойишни маънавий-маърифий ислохотларни янги босқичга олиб чиқадиган муҳим ҳужжат, десак, айна ҳақиқат. Мазкур ташаббус ёшларнинг китоб мутлоасига қизиқишини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустақил фикрлайдиган авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Миллий китобхонлик ҳаракатининг ҳар йили тизимли равишда ўтказилиши ёшлар орасида соғлом рақобат муҳитини яратди, уларни билим олишга, изланишга ва ўз устида ишлашга ундайди. Айниқса, дастур босқичларининг электрон платформа ҳамда худудий ва республика даражасида ташкил этилиши барча йигит-қизлар учун тенг имконияти яратиши билан аҳамиятлидир. Бу эса китобхонлики оддий танлов эмас, балки умумхалқ маънавий ҳаракатига айлантиришга хизмат қилади.

Фармойишда голиб ва совриндорлар учун салмоқли пул мукофотлари ва дипломлар берилиши белгилангани ҳам давлатимиз томонидан ёшларнинг билимини, салоҳиятини ва келажагига берилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир. Бундай рағбат тизими ёшларни нафақат кўпроқ китоб ўқишга, балки илм-фан, таълим ва шахсий ривожланишга янада жиддий ёндашшга руҳлантиради.

Миллий китобхонлик ҳаракати бугунги кун лойиҳаси эмас, балки Янги Ўзбекистоннинг эртанги тараққиёти учун қўйилаётган мустаҳкам тамал тошидир. Зеро, китоб ўқийдиган жамиятда тафаккур юксалади, маънавий мустаҳкамланади, тараққиётга интилиш кучаяди. Шу боис мазкур фармойиш ёшларнинг билим ва маърифатга интилишини қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимизнинг интеллектуал келажагини таъминлашга хизмат қиладиган стратегик аҳамиятга эга қарор ўлароқ тарихга муҳрланади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Президентимиз қарорига кўра, Хоразм вилоятининг Богот туманидаги Ашхобод маҳалласида жойлашган Эзгу тилак кўчасига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими Шакаржон Хўжаниёзова номи берилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи қелишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва мутлоаага қайтарилмайди.

Газетанинг тасвирли берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бахромов.
Мусаххих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.58 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6